



« 12» sentabr 2022-y.
03-03/1-4619 - son

**Қорақалпоғистон Республикаси
халқ таълими вазири, Тошкент
шаҳар халқ таълими бош
бошқармаси ва вилоятлар халқ
таълими бошқармалари
бошлиқларига**

**Туман (шаҳар) халқ таълими
бўлимлари мудириларига**

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 августдаги 425-сонли Қарори билан мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга киритилган ўзгартиришга кўра **эндиликда олий малака тоифага** эга бўлганидан сўнг уни **15 йил** давомида сақлаб келган ва узлуксиз иш стажига (*шу жумладан, декрет таътили даври ҳам*) эга бўлган педагог кадрлар мажбурий аттестацияга жалб қилинмаслиги белгиланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 41-бандига асосан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқага қайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилганидан кейин юзага келган ижтимоий муносабатларга нисбатан қўлланилиши кўрсатиб ўтилган.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 августдаги 425-сонли Қарори билан педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга киритилган ўзгартиришлар **2022 йилнинг 2 августига қадар 15 йил узлуксиз иш стажига эга бўлган ҳамда олий тоифага эга** (*бунда олий тоифага эга бўлганлик даври муҳим эмас*) бўлган педагогларга **нисбатан тадбиқ этилмайди.**

Юқоридаги ҳолат бўйича Халқ таълими вазирлигининг расмий ижтимоий тармоқларида (2022 йил 31 августда) ҳам маълумот берилган. Шунга қарамай, ушбу масала айрим ҳудудларда ҳанузгача ҳал этилмаганлиги педагогларга қийинчилик туғдириб келмоқда.



Маълумот учун: Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 августдаги 425-сон қарори билан белгиланган, олий малака тоифа (бош ўқитувчи лавозими)га эга бўлганидан сўнг олий малака тоифани 15 йил давомида сақлаб келган ва узлуксиз иш стажига эга бўлган педагог кадрлар навбатдаги мажбурий аттестацияга жалб этилмаслик тартиби 2022 йил 2 августдан бошлаб амалиётга жорий этилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сентябрдаги 572-сонли қарори билан тасдиқланган “Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида низом”нинг 10-бандида илгари аттестациядан ўтмаган ишга янги қабул қилинган **магистр даражасига** эга мутахассисларга **ёки** олий таълим ташкилотларини битириб биринчи бор ишга кирган магистр даражасига эга педагог кадрларга аттестацияга жалб этилгунга қадар **иккинчи малака тоифаси** берилиши белгиланган.

Бугунги кунда, янги ўқув йили учун Халқ таълими вазирлигининг ягона электрон тизимида (ERP) ходимларнинг тегишли маълумотлари шакллантирилаётган бўлиб, бунда магистр даражасига эга мутахассисларнинг сертификати тўғрисида маълумотлари қайд этилмаганлиги важи билан айрим ҳолларда уларга иккинчи малака тоифасига белгиланмасдан **мутахассис сифатида** қайд этилмоқда.

Шу ўринда, ушбу тоифадаги педагогларга амалдаги қонунчиликка кўра иккинчи малака тоифа сертификатлари берилиши кўзда тутилмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Сиздан:

ходимлар ўртасида кўрсатилган масалалар бўйича тушунтириш ишларини ташкил этиш ва олиб бориш;


2022 йил 2 августига қадар 15 йиллик узлуксиз иш стажига ва олий тоифага эга бўлган педагогларнинг олий тоифаси умрбод сақланиб қолинган ҳолда малака тоифаси бўйича тарификациядан ўтказиш ва мос равишда тўловларни белгилаш;

илгари аттестациядан ўтмаган ишга янги қабул қилинган **магистр даражасига** эга мутахассисларга **ёки** олий таълим ташкилотларини битириб биринчи бор ишга кирган магистр даражасига эга педагог кадрларга аттестацияга жалб этилгунга қадар иккинчи малака тоифаси бўйича тарификациядан ўтказиш ва тўловларни белгилаш;

мазкур масалалар бўйича жойларда муаммоли ҳолатлар юзага келганда жойида ҳал этиш чораларини кўришингиз сўралади.

Ўз навбатида, ушбу тадбирларни зудлик билан амалга оширилиши бўйича шахсий жавобгарлик ҳудудий халқ таълими раҳбарлари зиммасига юклатилади.

Вазир ўринбосари


Т.Комилов